



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2010 йил 14 МАЙ, ЖУМА

XXI савдоси аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилояти ҳокимлигида касабачи уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини намунали ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Самарқанд давлат чет тиллар институтида вилоят ҳокимлиги ва республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Қизилтепа туманидаги «Бўстон гишт-сер-век» хусусий корхонасида чинни буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда Россиядан келтирилган ускуналар ёрдамида пиёла, коса, чойнак ва ликобчалар ишлаб чиқарилмоқда. Буюмлар сифати, бежиримлиги ва миллий нақшлари билан харидорларни жалб этаётган бўлиб, айна пайтда цехда 30 та янги иш ўрни яратилди.

• Андижон тумани Куйганёр шаҳарчасидаги «Юсефу Рест» хусусий корхонасида болалар учун мўлжалланган ётоқхона жиҳозлари ишлаб чиқарила бошланди. Айтиш керакки, шу пайтга қадар бу турдаги маҳсулотлар юртимизга асосан хориждан келтирилган эди. 25 киши иш билан таъминланган юқоридаги корхонада ўтган бир ой давомида 71 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида мебель ва уй-рўзгор жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Алкен мебель» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

• Самарқанд шаҳрида «Тайлоқ бахмали» корхонасида янги цех ишга туширилди. Умумий қиймати 639,4 минг АҚШ долларлиқ мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли 34 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Айна пайтда бу ерда бир ойда 10 минг погонметр бахмал матоси тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

• Кеча Таиланд армияси мамлакат пойтахти марказида намоийшлар ўтказётган муҳолифатчилар лагерини ўраб олди. Таъкидлаш керакки, собиқ ҳукумат раҳбари Таксин Чинават тарафдори бўлган муҳолифатчилар март ойининг ўрталаридан бошлаб норозилик намоийшларини ўтказмоқдалар. Бинобарин, ҳозирда мамлакатнинг 17 та музофотида фавқулодда ҳолат жорий этилган.

• Кеча Хитойнинг Гуйчжоу музофотида жойлашган кўмир шахтасида метан гази портлаши натижасида 21 нафар кончи ҳалок бўлди. Шахтада фаолият кўрсатётган 10 нафар кончи эса кутқариб қолинди.

• Кеча Греция пойтахти Афина шаҳри атрофида жойлашган қамоқхона биноси ёнида кучли портлаш содир этилди. Натижада икки киши тан жароҳати олди, ён-атрофдаги ўнлаб бинолар шикастланди. Ҳозирда ушбу ҳодиса юзасидан Греция антитеррористик хизмати вакиллари текширув ишларини олиб бормоқдалар.

• Францияда олтимиш учинчи бор ташкил этилаётган машҳур Канн кинофестивали бошланди. Фестиваль дастуридан кейинги пайтларда ишланган жаҳоннинг энг сара 19 та фильми ўрин олган. 23 майга қадар давом этадиган улкан халқаро киноанжуман голиблари «Олтин пальма япроғи» мукофоти билан тақдирландилар.

• Болгария пойтахти София шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони бахслари ниҳоясига етди. Унда болгариялик Веселин Топалов устидан галаба қозонган Вишванатан Ананд (Хиндистон) жаҳон чемпиони унвонини яна бир бор қўлга киритди ва 1,2 миллион евролик мукофотга сазовор бўлди.

• Европадаги «Wolkswagen» етакчи автоконцерни Хитойда иккита янги корхона қуришни режалаштирмоқда. Бу Германия автомобилсозлари томонидан Хитойга киритиладиган сармоя микдори 1,6 миллиард еврога кўпаяди, деганидир. Зеро, «Wolkswagen» ушбу мамлакатда бир йил давомида 2 миллионгача автомобиль сотишни мўлжалламоқда.

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томонидан таъсис этилган Педагогик грантлар дастури ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида пухта билим бериш, уларни мустақил фикрли баркамол шахс этиб тарбиялаш имконини бермоқда. Маърифий соҳадаги улкан ўзгаришларда педагогларни рағбатлантириш, ўқитувчиларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этиш учун яқиндан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

нинг интерфаол услубларидан фойдаланиш, машгулотларга илғор педагогик технологияларни жорий этиш, маърифий тадбирлар ўтказиш, изланишлар олиб бориш, қўлланмалар, ўқув-услубий адабиётлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

— Бугунги кунда ўқувчиға пухта билим бериш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш долзарб аҳамиятга эга, — дейди ЎЗА муҳбирига Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси Моҳира Юнусова.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ИЛҒОР ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ГРАНТЛАР

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган Педагогик грантлар дастури таълимнинг барча бўғинидаги ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб малакасини юксалтиришга йўналтирилган. Дастур учун ўтказилган бу йилги танловда мингдан зиёд ўқитувчи фан ва таълимнинг турли йўналишига оид инновацион ғоя ва лойиҳалари билан иштирок этди. Улардан эллик нафар энг яхши ғоя ва ишланмаларнинг муаллифлари саралаб олинди. Голиб ўқитувчилар учун ажратилган грантлар очик дарслар ўтказиш, таълим-

та билим бериш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш долзарб аҳамиятга эга, — дейди ЎЗА муҳбирига Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси Моҳира Юнусова. — Ушбу дастур доирасида ўтган танлов учун ўрта махсус, касб-хунар таълими маскани ўқувчиларининг маънавиятини юксалтириш, мулоқот маданиятини янада оширишга оид лойиҳа тайёрланди. Уни амалиётга жорий этишда маънавият сабоқлари, ўқув-тренинг машгулотлар, амалий семинарларни ташкил этишни режалаштирилган. Дастур голиби бўлган маърифий лойиҳани ўқув жараёнига тўла татбиқ этиш имконини беради.

Тадбирда дастур голибларига грантлар топширилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти намоийш этилди.

ҲУДУДИЙ ТЕЛЕСТАНЦИЯ РАҲБАРЛАРИ СЕМИНАРИ

Пойтахтимизда ҳудудий телестанциялар раҳбарларининг семинари бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдуҳолиқов юртимизда оммавий ахборот воситаларини янада раванқ топтириш, уларнинг амалдаги эркинлигини таъминлаш, жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борадаги эзгу ишларда нодавлат электрон, босма оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан кўмак кўрсатиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техник ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш, журналистларнинг касб маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Юртимизда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ривожини йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик самаралари бизнинг жамоа фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда, — дейди «Марғилон» телерадиоканали бош муҳаррири Бахтиёр Тошпўлатов. — Таҳририятларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, ёш журналистларнинг малака ва маҳоратини ошириш, фаол ижодкорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани шулар жумласидандир.

Семинар иштирокчилари 2010 йилнинг ўтган тўрт ойида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, кўрсатувларнинг сифати ва савиясини янада юксалтиришга оид вазифалар, амалий чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Бунёдкорлик майдонларида

ҚАЛБДА МЕҲНАТ ИШҚИ ЁНСА...

Юртимизда қалбида меҳнат ишқи баланд, ўз касбини чин дилдан севган, халқимиз тили билан айтганда, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар кўп. Улар турли жаҳонларда фаолият кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак, кўпчилик олқишига сазовор бўлишаётир.

Эр кишини меҳнат тоблайти, деган нақлга амал қилиб, ғайрат-шижоати билан эътибор қозонаётганлардан бири «12-трест» акциядорлик жамияти 52-қурилиш бошқармаси дурадгорлар бригадаси сардори Жўравой Қосимовдир. У киши билан суҳбатлашиш мақсадида қурилиш ишлари қизгин паллага кирган Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Медиа-маркази биноси майдонига ташриф буюрдик.

Мазкур объектида айна пайтда 300 нафардан зиёд бунёдкор меҳнат қилиб, ўзига юклатилган вазифаларни бажариш билан банд. Бир сўз билан таърифлаш жоиз бўлса, қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Замонавий техника воситаларининг шовқини, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган турли хунар эгаларининг хатти-ҳаракатлари ўзаро уйғунлашиб кетган қурилиш майдонидан бўш турган бирорта одамни учратмайсиз, тўғри-

си, уларни ишдан чалғитишга тортинасиз ҳам...

Шундай бўлсада, мақсадимизни амалга ошириш учун аввало участка бошлигини топиб, уни суҳбатга тортдик. «Ҳорманг», «Бор бўлинг»дан сўнг муддаомизни эшитган Равшан Назаров кўнглидагини айтди.

— Жўравой ака ҳақида ҳар қанча мактов сўзларини айтишим мумкин, — деди у. — Энг муҳими у ўз касбига, ишига садоқатли инсон. Шу боис бўлса керак, ўттиз йилдирки, самарали меҳнат қилиб келмоқда. Дурадгор уста сифатида ҳамisha шогирдларига эътиборли, ҳар қандай ёрдамга шай. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитининг талабларидан келиб чиққан ҳолда қурилишда замонавий технологияларни қўллашга ҳаракат қилади, исрофгарчиликка йўл қўймайди. Ҳар бир келтирилган қурилиш ашёсидан унумли фойдаланади. Бригадасида тартиб-

интизомни қаттиқ назорат қилади, муаммоларни жойида ҳал этади. Қани эди ҳамма ҳам Жўравой Қосимов сингари фидойи бўлса...

«Йигит кишига етмиш хунар оз», дейишди донолар. Жўравойнинг отаси Йўлдош ака темир йўл соҳасида ишласада, рўзгордаги устачилик ишларини ўзи уддаларди. Ақаси Хотам шу боисми, ёғоч устачилигига меҳр қўйди. Жўравой ҳам унинг кетидан эргашди. 128-мактабни тугатгач, хунар-техника таълим муассасасида дурадгорлик сир-асрорларини ўрганди. Армия хизмати эса уни янада тоблади. Ҳеч иккиланмасдан тўғри қурилишда иш бошлади. Дурадгор устози Темур Холиқовдан астойдил сабоқ олди, билмаганларини эринмай ўрганди. Йиллар самарасини берди; уни бригадирликка тавсия этишди. Бу Ж.Қосимов учун ҳам масъулият, ҳам ишонч бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳаббарларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий боғида Халқаро Оила кунига бағишланган «Отам ва онам — спортчидир оилам» кўрик-танловининг Чилонзор тумани босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашида «Камалак» болалар ташкилотининг шаҳар бўлими ташаббуси билан сардорлар ва етакчилар кенга-

ши фаоллари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Илмий-техникавий ҳужжатлар давлат архиви ташаббуси билан соҳа ходимлари малакасини ошириш мақсадида семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги Республика ахборот-кутубхона марказида Корея Республикаси гранти асосида ташкил этилган илмий-техник адабиётлар электрон кутубхона мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (KOICA) мутахассислари иштирокида ташкил этилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистонда илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонасининг комплекс тизimini яратиб буйича ҳукуматларaro битим доирасида амалга оширилди. Электрон кутубхонанинг очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х.Муҳиддинов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори аҳолига қўрсатилаётган ахборот-кутубхона хизматини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, кутубхона ишига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси самара-

сида сўнгги йилларда мамлакатимизда кутубхона соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берди, ахборот-кутубхона муассасалари

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси аъзоси Хак Жин Мун мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ало-

қулоқларини рақамлаштириш, материалларни қўчириш ва интернетга жойлаштириш, муаллифлар, ноширлар, электрон база генераторлари ҳамда тематик илмий-маърифий жамоалардан электрон материаллардан фойдаланиш ҳуқуқини олишдан иборатдир. Бу билан фойдаланиш чегараланган ҳужжатлардан (нодир фильмлар, фотоальбомлар, кўлөзмалар, диссертациялар) фойдаланиш имконияти яратилади. Кутубхона янги бинода иш

бошлади. Бу ерда ўқув зали, компьютер хоналари, китоблар сақланадиган жой, турли хилдаги техника, мебеллар, кино ускуналари мавжуд. Айна пайтда ушбу муассасанинг китоб фонди шакллантирилмоқда. У мамлакатимиз ва хорижда чиқарилган юзлаб жилдадаги турли адабиётлар, даврий нашрларни ўз ичига олади. Мазкур қўлланмалар электрон форматга ўтказилади. Натижада ташриф буюрувчилар улардан он-лайн режимида фойдаланиши, интернет орқали обунани расмийлаштириши, шунингдек, электрон илмий-оммабоп журналлардан фойдаланиш учун турли агентликлар, кутубхоналар ва нашриётлар билан боғланиши мумкин бўлади. Фақат кутубхонага ташриф буюрувчиларгина эмас, балки, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги мижозлар ҳам янги ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ушбу манбаларга тўғридан-тўғри кириш имконига эга бўлади. Бир пайтнинг ўзида кўп сонли хорижий китобхоналар ҳам мамлакатимиз тўғрисида илмий маълумотлар билан танишишлари мумкин бўлади. Шунингдек, бу ерда турли тадбирлар, жумладан, семинарлар, учрашувлар, конференциялар ўтказилади.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА МАЖМУИ ОЧИЛДИ

фаолияти янги босқичга кўтарилди. Янги ташкил этилган илмий-маърифий муассаса тақдироти ҳам бунинг яққол мисолидир.

Ахборот-кутубхоналарида аҳолига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатишни яхшилаш билан бирга тизимдаги муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, ахборотлаштириш ва кутубхона ишида ўзаро ҳамкорлик ва ташкилий-услубий таъминотни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутди.

қалари мустақамланиб бораётганини таъкидлади. Айна пайтда иқтисодий ва гуманитар йўналишлардаги алоқалар кўлами тобора кенгаймоқда. Муваффақиятли амалга оширилган ушбу лойиҳа ҳам икки томонлама стратегик ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиб бораётгани самарасидир.

Республика ахборот-кутубхона маркази раҳбари А.Ишматовнинг айтишича, Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона маркази негизида ташкил этилган янги кутубхона жамоаси олдида

этилмаган ҳужжатларни рақамлаштириш, материалларни қўчириш ва интернетга жойлаштириш, муаллифлар, ноширлар, электрон база генераторлари ҳамда тематик илмий-маърифий жамоалардан электрон материаллардан фойдаланиш ҳуқуқини олишдан иборатдир. Бу билан фойдаланиш чегараланган ҳужжатлардан (нодир фильмлар, фотоальбомлар, кўлөзмалар, диссертациялар) фойдаланиш имконияти яратилади. Кутубхона янги бинода иш



Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида ҳар йили «Касб маҳорати» танловини ўтказиш анъана тусини олган. Куни кеча «Маиший хизмат машина ва асбобларини таъмирлаш» мутахассислиги бўйича танловнинг якуний босқичи Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ўтказилди.

Танловлар



ҚАЛБДА МЕҲНАТ ИШҚИ ЁНСА...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айна пайтда унинг бригадасида 17 нафар дурадгор меҳнат қилади. Бирининг ўрнини бемалол иккинчиси тўлдириб турадиган бу бригада қурилиш бошқармасида ўз обрўйига эга, чунки иш пухта, топшириқ сидқидилдан адо этилади. Бу борада бригадирнинг тадбиркорлиги, ташаббускорлиги қўл келади.

Жўравой Қосимовнинг шогирдлари жуда кўп. Аксарияти мустақил равишда ўз бригадасини бошқаришга ҳам улгурди. Бу ҳам устознинг хизматини ҳимматидан далolat, албатта.

— Устозим Жўравой акадан беҳад миннатдорман, — дейди ҳозирда ўзи ҳам илгор бригадалардан бирини бошқараётган Рустам Қоратов. — Бугунги даражага етишимда уларнинг хиссаси катта. Касбга меҳрни, одамларга ишончини, ҳамкасбларга меҳрибонликни устозимдан ўргандим. Ҳозирда ҳам улар билан бамаслаҳат ишлаб, кам бўлмаямиз.

Бугунги кунда илгорлар сафидан ўрин олган дурадгорлар Ҳамидулла Убайдуллаев, Исмом Азизов, Қобил Эргашевлар ҳам Жўравой Қосимовнинг муносиб шогирдларидан бўлиб, «касбим — фахрим» шиорига амал қилиб келмоқда.

Машаққатли меҳнатнинг ўзига яраша шарафлари ҳам бўлади. Бундай рағбатлар киши дилини қуончларга тўлдирибгина қолмай, қилаётган ишига меҳрини, қуч-қудратига ишончини оширади. Утаётган йиллар Жўравой Қосимовга ҳам ана шундай лаҳзаларни тақдим этди. Фахрий ёрликлар олганда, кўнгли тоғдек қўтарилган бўлса, 1995 йилда Президентимиз Фармонига кўра «Шўхрат» медали билан тақдирлангани қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Бундай ишончини оқлаш учун яна-да ғайрат кўрсатишни дилига тугди.

Оиланг тинч бўлса, ишда унум, хонадонда баракка, дилда хотиржамлик бўлади. Ишдан ҳориб келганда, турмуш ўртоғи Шоирахоннинг очиқ чеҳра билан қаршилаши, ўғил-қизларининг қамоли, набираларининг талпиниши қаҳрамонимизга яхши кайфият бағишлайди, янада баракали ишларга ундайди.

Ўтган йиллар давомида Жўравой Қосимов ўз бригадаси аъзолари бунёд этган бино-иншоотлар нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам мавжуд. Салобат тўкиб турган Олий Мажлис, Сенат бинолари, Сингапур меҳнатни ривожлантириш институти... Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин. Энг муҳими, бунёдкорнинг қалби меҳнат ишида ёнаётганидир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: Жўравой Қосимов шогирдлари билан навбатдаги режаларни маслаҳатлашмоқда

МАЛАКА ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Абдулла Авлоний номидagi Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида замонавий мазмун ва услубларини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирилик ташаббуси билан ўтказилган тадбирда вилоятлардаги олий ўқув юртли ректор ва проректорлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарлари, масофадан ўқитишни ривожлантириш марказлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Семинарда сўз олган институт ректори Муҳаммадjon Алиев бугунги кунда таълим тизимига қаратилган эътибор давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми эканлиги борасида тўхталиб, педагогларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ва уларни замонавий педтехнологиялар билан таништириш таълим самарадорлигининг муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан малака ошириш тизимидаги таълим услублари такомиллаштирилди.

Семинарда таълим самарадорлигини таъминлашда билим, кўникама ва малакани изчил шакллантириш, фарб тизимидаги замонавий ёндошувлардан фойдаланиш, машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ва профессор-ўқитувчилар салоҳиятини кўтариш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Мақсадимиз ҳар томонлама етук авлодни шакллантириш, — дейди педагогика-психология фани ўқитувчиси Лола Аъзамова. — Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади. Таълим тизимидаги ўзгаришлар ўқитувчидан серграклик, кучли билим, кўникама, маҳорат ва ташаббускорликни талаб қилади. Ўқув жараёнида фақат педагоглар малакасини оширишга етарли натижа бермайди, балки ўқувчилар фаоллигини қучайтириш ва уларни фанга нисбатан қизиқшини орттириш мумкин.

Семинарда профессор-ўқитувчилар томонидан "Малака ошириш тизимида замонавий мазмуннинг такомиллаштириш асослари", "Ўқитувчининг профессионализмини ошириш йўналишлари", "Малака ошириш курсларида раҳбар шахси хусусиятларини ривожлантириш масалалари", "Мақтаб психологлари фаолиятининг ўзига хослиги", "Таълим жараёнида ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш", "Ўқитувчиларнинг психолог-педагог савиясини ошириш — таълим самарадорлиги гарови", "Тарбияда қонун ва ҳаёт узвийлиги" мавзуларида маърузалар ўқилди.

Тадбирнинг шўба йиғилишларида халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизimini яратиш омиллари борасида тўхталиб, миллий ғоя ва маънавият асослари фанини ўқитишнинг янгиҳа усуллари кўрсатиб берилди.

Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс"

КАСБ МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Битирувчи курс ўқувчиларининг қобилияти ва интилишларини ривожлантириш, касбий маҳоратини ошириш борасида кенг имкониятлар яратиш, уларда касбий йўналишлари бўйича меҳнат бозорига тайёрлик салоҳиятини қучайтириш, илгор педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг илгор тажрибаларини оммалаштириш, коллежлар билан олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида уюштирилаётган кўрик-танловнинг ҳал қилувчи босқичида тўққизта вилоят ва Тошкент шаҳридан энг салоҳиятли ўқувчилар бор билим-маҳоратини намойиш этган ҳолда ўзаро куч синашишди. Улар тести саволлари ва амалий иш топшириқларини муҳаммал адо этишга ҳаракат қилиб,


ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг эътирофларига сазовор бўлишди.

Тўпланган балларга кўра Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Игорь Бурнаев танлов ғолиби бўлди. Иккита иккинчи ўринга Поп ва Жанубий маиший хизмат кўрсатиш коллежлари ўқувчилари Бахтиёр Холдоров ва Руслан Халияров сазовор бўлди. Андижон, Сарисийё ва Ёнжувон коллежлари вакилларига учинчи ўринлар насиб этди.

Танловнинг ғолиби ва совриндорлари диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш борасида инвестиция сиёсати алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар биринчи навбатда корхоналари техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш, санаот соҳасида моддий ва энергетик ресурслар сарфини қисқартириш мақсадида моддий хомаш ресурсларидан мажмуавий ва тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш, маҳсулотнинг юқори технологик турларини қўлайтириш, ишлаб чиқаришнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш учун зарур. Инвесторларга яратилган қўлай муҳит боис 2000-2007 йиллар давомида фақат тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,3 миллиард долларни ташкил этди.

Мамлакатимизда 2006-2010 йиллар учун устувор инвестиция тақлифлари рўйхати тасдиқланган бўлиб, ундан 7 миллиард долларга тенг 191 та лойиҳа ўрин олган. Уларни амалга ошириш учун умумий қўймати 6,1 миллиард доллардан иборат хорижий инвестиция жалб этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда республикамизда 3,5 миңдан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Германия, Швейцария, Корея, Хитой, Буюк Британия, Туркия, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Тақлиллар шуни кўрсатадики, автомобиль, кимё, электроника соҳаларида хорижий инвестициялар қончаларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши сарможаларни

қабул қилган мамлакатга технологиялар, маркетинг ва бошқаларни жалб қилишга нисбатан кўпроқ самара беради.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш билан бирга банк инвестициялари реал секторга йўналтирилмоқда. Масалан, ТИФ Миллий банки айна пайтда мамлакатимиздаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Банк республиканинг муҳим стратегик аҳамиятга эга ташкилотлари акциядорлари таркибига кириш орқали иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналарни инвестициялаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнида ўз сармоясини қўшаётган бўлади.

2009 йил 1 октябрь ҳолатига банк томонидан қимматли қозғалар билан операцияларга йўналтирилган қўйилмалар ҳажми 348,3 миллиард сўмни ташкил этди, 1,4 миллиард сўм миқдоридан даромад олинди. Ҳозирда Миллий банк бир қатор йирик корхоналар — «Чкалов номидagi Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Узавализинг», «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятларининг акциядорлиги ҳисобланади.

ТИФ Миллий банки иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар оқимини қучайтириш мақсадида негизда «НБУ Инвест Групп» ва «НБУ Инвестмент» шўба корхонасини ташкил этди. Уларнинг низом жамғармасидаги банк ишти-

роки 100 фоизни ташкил этади. Мазкур корхоналарга юклатилган бош вазифа хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция фондларини ташкил этиш, консалтинг, андеррайтинг хизматлари кўрсатиш ҳамда банк балансида қабул қилинган активларни бошқаришдан иборатдир. Ҳозирда Миллий банк томонидан 23 та иқтисодий ноҳор корхонадан ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сарможа билан таъминлаш учун 14,0 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг инвестиция фаолияти нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Бозор муносабатларининг ривожланиши яқиндан ёрдам бераётган ушбу фаолиятнинг амалий натижалари бугун ҳар жаҳада намойиш бўлмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини янада кўпроқ жалб қилиш истиқболдаги асосий вазифалардан биридир. Бу масалада мажмуавий тадқиқотлар олиб бориш, биринчи ўринда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатларни илмий таҳлил қилиш ва келажак истиқболни белгилаш катта аҳамият касб этади.

Дилмурод МАМАСОБИРОВ, Шахло АҲМЕДОВА, Тошкент молия институти талабалари

Пойтахтимизда Марказий Осий пластик жарроҳларининг иккинчи илмий анжумани бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда юртимизнинг пластик жарроҳлик бўйича мутахассис ва олимлари, шифокорлар билан бирга Франция, Германия, АКШ, Исроил, Испания, Греция, Сербия, Норвегия, Туркия, Россия, Украина каби

корлар томонидан юз-жаг жарроҳлиги, тўқималарни эркин қўчиришга оид илмий изланишлар, жарроҳлик амалиётларининг муваффақиятли олиб борилаётгани хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уй-

ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

давлатларнинг соҳа вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, улар саломатлигини муносабатларининг ривожланишига яқиндан ёрдам бераётган ушбу тарзини тарғиб этиш, миллат генофондини янада соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган кенг камровли ишловлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасига қўрсатилаётган эътибор пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлик амалиётларида ҳам ўз ифодасини топомқда. 2007 йилда Ўзбекистон пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлик жамиятининг ташкил этилгани, юртимизнинг етакчи тиббиёт муассасалари, марказларида мазкур йўналишда ўта мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг тасдиғидир. Айна пайтда ўзбекистонлик шифо-

лотмоқда.

Мазкур йўналишда аҳоли, айниқса, ёшларни соғломлаштириш ишига «Sen Yolg'iz Emassan» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси ҳам муносиб хисса қўшмоқда. Тугма нуқсонли ёки турли бахтсиз ҳодисалар тўғрисида, лабтанглай қисмлари жиддий жароҳатланган болаларни даволаш, Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига, ижтимоий химояга муҳтож, серфарзанд оилалар ўғил-қизларига бу борада тиббий ёрдам кўрсатиш, хорижлик малакали шифокорлар иштирокида мураккаб пластик жарроҳлик операцияларининг ўтказиши, соҳа мутахассисларининг касб малакасини юксалтириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун имкон яратиш каби эзгу ишлар шулар жумласидандир.

Анжуманда пластик жарроҳликнинг контур, юз-жаг, маммопластика, абдоминопластика каби кўплаб йўналишлари бўйича маърузалар тингланди.

(ЎЗА)



ИЛК ХАРИТА МУАЛЛИФИ АНИҚЛАНДИ

Эски ҳужжатларни "титкилаш" оқибатида астрономия тарихи солномаларида ҳали ойдинлаштирилмаган ва унчалик маълум бўлмаган саҳифалар борлиги маълум бўлди. Жумладан, биринчи бўлиб фазони ўрганишга киришган олим ишлари адолат-сизларча унутиб юборилганлиги аниқланди. У – инглиз астрономи, математиги, эт-

нографи ва таржимо-ни Томас Гарриотдир. Айнан шу инсон Галлейдан бир неча ой олдиндан телескоп ёрдамида Ой сайёрасининг илк кузатуви-ни амалга оширди. 1609 йил 26 июлда Томас Гарриот телескоп (тўғрироғи – дурбин, чунки "телескоп" сўзи анча кейин пайдо бўлди, у пайтларда умуман "Голланд дурбини"

дейишарди) ёрдамида Ойни ўргана бошлаганди. Дурбинни у Бордан сотиб олганди. Кузатувлари асосида у табиий Ер йўлдошининг биринчи харитасини тузиб чиққанди. Унда Ой юзасида ёруғлик ва сояни ажратувчи терминатор ҳамда Бўхронлар, Осойишталик ва Фаровонлик денгизлари тасвирини кўриш мумкин.

Юзга ва ундан ортиқ ёшга кирганда ҳам соғлом, тетик ва ҳушқатқач яшашни ким орзу қилмайди?! Бу орзуга эришиш йўллари инсониятнинг энг доно вакиллари доимо излаб келишди. Алхимиклар мўъжизакор обихаёт ичимлигини, доришунос фарибгарлар умрбўйлик хабдорларини таклиф этишса, ёзувчи қалам аҳллари ўз тавсияларини намойиш этиб келишди. Қачонлардир ёзилган Оскар Уайлдининг "Дориан Грей портрети", Карел Чапекнинг "Макропюлос дориси" асарларининг хануз қўлмақўл ўтиб келаётгани бежиз эмасдир...

одамдан узокроқ яшайди. Шундай истисно ҳолатлар оз эмас. Аёллар эркаклардан секинроқ қарийди ва улардан 6-8 йил кўпроқ яшайди. Лекин эркакларда ҳам, аёлларда ҳам тери аста-секин шалвираб боради, пигмент доғлари пайдо бўлади, соч-соқоллар оқаради, гавда тиклиги, юриш-туриши ўзгаради, кўзинг қўриш қобилияти, хо-

учун фойдасиз ва зарарли, демакки, ёшларга ўрин бўшатиб бериши керак, деган фикрни билдирган. Эволюция давомида қариш авлодлар алмашинувини тезлаштириш ва кўпайишда фойдали хосиятларга эга бўлиш учун пайдо бўлди, деб ҳисоблайди олим. Фаол ва тўлақонли ҳаётни узайтиришнинг иккита аънавий йўли бор.

комплексонлар, биологик фаол пептидлар ва бошқа воситалар ёрдамида йўналиштирилган таъсир ўтказишни ўрганиш керак.

Тўлақонли инсон ҳаётини соғлом турмуш тарзи – уйқу ва уйғоқлик вақтини оптималлаштириш, рационал дам олиш, энг матлув жисмоний ҳаракатлар, мейёрлаштирилган паст калорияли парҳез ва индивидуал терапия ҳам узайтиради.

Модомки, қариш дастури мавжуд экан, уни ўчириш ёки секинлаштириш мумкин. Масалан, генлар ва биомухандислик усуллари билан шундай қилса бўлади. Бироқ жониворларга нисбатан кўпми ёшми бўлса-да, инсон генетикага аралашши кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фармацевтик усуллар ҳам мавжуд. Эркин радикаллар йўлини тўсувчи "тузоқлар" сифатида кўплаб герпротекторлар ва антиоксидантлар ишлаб чиқилган. Аънавий табиий антиоксидантлар аллақачондан бери қўлланилмоқда, лекин улар ҳамма ҳам самарали таъсирга эга бўлавермайди. "Нисон"га, яъни бирорта элементга ёки тўқима ё организмдаги жараёнга манзилли таъсир кўрсатувчи ва дастурий "ишга туширувчи" янги моддалар ҳам пайдо бўлди.

Жониворларда ўтказилаётган тадқиқотлар улар умрини бир ярим бараварга узайтириш имконини берди. Кўпгина касалликлар ва умуман қариш жараёнининг олди олинди. Узок умр кўришнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилдики, эндиликда 120 ёшга ҳам бардам, тетик, ўзини ёшлардай ҳис этиб яшаш мумкин. Улар ҳақида "Файзли оқшомлар"нинг кейинги саҳифасида ўқийсиз.

120 ДА ҲАМ БАРДАМ БЎЛА ОЛАСИЗ

тира сусаяди, иммунитет пасаяди. Қариш ва ўлим қандай юз бериши, улар тасодифийми ёки генетик дастурлаштирилганми – шулар ҳақида юздан ортиқ назарий қарашлар мавжуд. Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, қариш кўплаб тасодифий жараҳатланишлар оқибатидир. Организм ишдан чиқиси мумкин, аммо эволюция учун зарурий шарт эмас. Чунки ёввойи табиат шароитида камдан-кам зот кексаликка етиб боради. Жониворлар, одатда, душманлари билан курашда, инфециялар ёки табиий фалокатлар тўғрисида ҳалок бўлади.

Бошқа хил нуқтаи назар ҳам мавжуд: қариш инсонларда генетик даражада мавжуд. Бизнинг генотипимизга жойлаштирилган будильник ишга тушиши билан ўзини ўзи йўқотиши бошлаш механизми фаолият бошлайди. Генетика асосчиларидан бири бўлган Август Вейсман, бундай қувончинг бизга кераги йўқ деб тушунтирганди. Қари организмлар тур

Биринчиси – тиббиёт фанининг энг янги ютуқлари ёрдамида қарилик касалликларини енгиш. Олдини олувчи тиббиётнинг вазифаси асосий ёш патологиялари бўйича – юрак-қон томир ва нерв касалликлари, диабет, инфаркт, инсульт, онкология, остеоопороз, импотенция хасталикларини хавфи мавжуд гуруҳларни аниқлашдан иборат. Мазкур касалликларнинг олдини олиш, вақтида ташхис қўйиш ва жадал даволаш – фаол узок умрни узайтиришнинг асосий усуллари ҳисобланади.

Иккинчи йўл – ҳозирча кўплаб кашф этилган "кексалик генлари"га таъсир ўтказишдан иборат. Турли усуллар билан, шу жумладан биочиплар ёрдамида бунга эришиш мумкин. Бу борада муваффақиятли иш олиб бориш учун аҳолини генетик тестдан ўтказишни соддалаштириш ва "кексалик генлари"га маълум герпротекторлар – витаминлар,

Дам олиш соатларида

ДУРДОНАЛАР СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Европа нашриётларидан бири рассом Винсент Ван Гог мактубларини босиб чиқарди. Адабий танқидчиларнинг айтганларига таянадиган бўлсак, уларни "адабий ёдгорликлар" қаторига қўйиш мумкин. Энг машҳур нидерланд постимпрессионист рассоми хатлари нашрдан чиқишига бағишлаб Амстердамда унинг рассомлик асарлари кўргазмаси ҳам очилганди.

Винсент Ван Гог ёзишларини чоп этишга 15 йил тайёргарлик кўрилди. 1872 йилдан 1890 йилгача бўлган оралиқда ёзилган 902 на мақтуб олти томни ташкил этди. 893 матн шахсан рассом қўли билан ёзилган бўлса, қолганлари унинг респондентларига тегишли. Катта миқдордаги мактуб шаклида ёзилган насрий мақтубларнинг босилиб чиқишига Амстердамдаги Ван Гог музейида кўргазма ташкил этилди.

Мактубларнинг адабий дурдоналар сифатида эътироф этилиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Жумладан, музей директори Аксель Ругер ёзишлар тўпламини "адабий ёдгорликлар" деб атади. Кўргазма ташкилчиларидан бири Ханс Лютен эса, Ван Гог хатларини услубий раван ва жозибдор тилда ёзган, деб баҳолайди. Лютен, шунингдек, рассом мактубларининг чоп этилиши "телбанамо дарвеш ва тушуниб бўлмас даҳо" деган афсоналарга чек қўйди, деб ҳисоблайди.

У расм чизишга тайёрлаб қўйилган матога бўёқларни итқатадиган мажнун эмасди", дейди кўргазманинг яна бир ташкилотчиси Лео Янсен. Унинг гапларига кўра, Ван Гог санъат ҳақида кўп мушоҳада юритган, мўйқаламнинг ҳар бир чизигини пухта ўйлаб тортган.



Гўзалликка муштоқ қалблар

Табиат сирлари

МИЯГА ҚУЁШ ВИТАМИНИ КЕРАК

Ўтказилган тадқиқотлар, рахит ва остеоопороз хасталикларини даволашда бетакорор даво воситаси ҳисобланган D витамини кексаликдаги ақли заифликнинг олдини олиши мумкин эканлигини кўрсатди. D витамини одам организмда кальций моддасининг ўзлаштирилиши ва уни суяк тўқималарига етказишни яхшилайди.

Болаларга у соғлом скелетни шакллантиришда жуда зарур

бўлса, уни бутун умр давомида истеъмол қилиш қариганда миянинг ишлашига ёрдам беради. Қуёш витамини тухум ва балиқ мойида кўп бўлади. Бироқ, шифокорлар ушбу дори муолажасида эҳтиёткор бўлишни маслаҳат беришади. Чунки унинг меъёрдан ортиқ истеъмол қилиниши оғир захарланишларни келтириб чиқариши мумкин экан.

ОМАДИНГИЗ КАЛИТИНИ ТОПИНГ

Омадли бўлишнинг бир қанча қонуниятлари мавжуд, дейишди олимлар. Улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1. Эксперт бўлинг. Экспертларга ишонингизда, экспертларни излаб топишди, экспертларни юксак қадрлашди. Экспертчилик – бу албатта докторантура нишонидир керак, дегани эмас. Бу – атрофингиздаги ҳамкасбларингиздан кўпроқ билимга, тажрибага эга бўлиш, ҳолос. Албатта, шу билимингизни, тажрибангизни ўрнида ишлата билишингиз ва намойиш эта олишингиз керак.
2. Сарфланган вақтингиз – даромад келтирсин. Вақтингиз – нақдингиз, яъни вақт ҳам пул дегадир. Агар сарфланган вақтингиз даромад келтирмаса – у беҳуда кетган бўлади. Шунинг учун ҳар куни "шахсан" ниманидир пулланг. Бу арзимас нарса бўлса ҳам. Маслаҳатингизни (масалан, бепул туш-ликка) сотишингиз мумкин.
3. Камсуқум бўлманг. Қанчалик камсуқум бўлсангиз – сиздан шунча кўпроқ фойдаланишди (сизнинг манфаатингиздан ташқари). Унинг ўрнига қўшнилар билан гаплашиб, кўнгилларини олишингиз, ўзингиз ёки бирор кишининг компьютерини созлаб қўйишингиз мумкин. Қилаётган хайрли ишларингизнинг қадрига етишди деб хомтама бўлманг. Яна бир-икки дастурчилик қилсангиз, ҳар сафар сизга иш буюришади. Айни пайтда сиз янги имкониятлар учун керакли вақтингизни бой бериб қўясиз.
4. Вазиятни назоратингизда тутинг. Ҳеч қачон шароитингиздан нолиманг. Ўз хатти-ҳаракатларингиз учун масъулиятли бўлинг. Одамлар бунга билишади ва қадрлашади. Ишончли одам сифатида кўпроқ меҳр қўйишади.
5. Кимлигингизни билинг. Нималарга қизиқасиз, нималарга интиласиз, кимлар билан ишлайсиз. Буларнинг ҳаммасини аниқ билиб олинг. Ташриф қозонингизни ҳам шунга монанд қилиб тайёрлатинг.
6. Алоқаларни изланг. Янги одамлар билан кунига танишишни одат қилинг – кўчада, ишда, кўргазмаларда, интернетда – фарқи йўқ. Учраган кишига ташриф қозонингизни ҳада қилинг. Ҳатто 5-10 йилдан кейин ҳам у иш бериб қолиши мумкин.
7. Алоқаларингиздан фойдаланинг. Улар билан танишларингизни таништиринг. Улар бир-бирларига нималарда, қачон ва қандай фойда келтиришлари мумкинлигини айтишни унутманг.
8. Кичик тўхталар қилиб турунг. Ўзингиз учун қизиқарли, манфаатли деб ўйлаган кишиларингизга табриклар йўлланг, "киндер сюрпризлар" қилинг. Хизматингиз керак бўлиб қолганида улар албатта сизни эслашади ва рақобатчиларингизни умуман унутишади.
9. Нархни икки баравар қилиб сўранг. Олишса – нур устига – аъло нур (ўн ҳодисадан олтидасида шундай бўлади). Илоҳи бўлмади қолса – 20 фоиз тушарсиз.
10. Юқорида тавсия этилган усуллардан истилган ҳар қайсиси нотўғри бўлиб чиқши мумкин. Сизнинг вазифангиз – ўз усулларингизни ўйлаб топиш. Ўз омадингиз калитини фақат ўзингиз ҳаммадан яхшироқ биласиз. Ҳаётингиздаги омадли ишларингизни таҳлил этиб, улардаги муайян қонуниятни аниқлаб олсангиз (ундан ҳам муҳими – фаолиятингизда қўллаб олсангиз) – албатта омад доим сизнинг ҳамроҳингиз бўлади.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди

Футбол ҳангомалари

ТИНЧЛАНТИРИШНИНГ ФАРОЙИБ ЧОРАСИ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида футбол мусобақаси давомида қонбузар майдондан чиқариб юборилганидан кейин, ҳакам тўпнунчадан ҳавога оғоҳлантувчи ўқ отиб, жунбушга келган футболчиларни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Бу воқеа ҳақида New Straits Times газетаси хабар берган.

Кўшимча равишда полициячи вазифасида ишловчи ҳакам

футболчилардан бирига қизил карточка кўрсатганидан кейин майдондаги алғов-далғовни тинчлантиришга эллай олмай қолди. Юзага келган мураккаб вазиятда у ўзининг патруль машинаси олдига югуриб бориб, хизмат қуролини элишдан тузоқроқ чора тополмади.

"Полициячининг ҳаракатлари ҳақиқатан ҳам ўзини оқлаш-оқламаслиги ҳамда ўйин давомида нега унинг

қўлида қурол бўлгани юзасидан суриштирув ўтказамиз", - дея маълум қилган маҳаллий полиция раҳбари Хуссин Исмомил.

Айни пайтда полициячи қуролдан ҳуқуққа зид равишда фойдаланишга гумон қилиниб, қамоққа олинган. Шунингдек, 23 дан 40 ёшга бўлган беш ўйинчи сўроқ қилиш учун ушлаб турилган. Уларга безорилик айби қўйилиши мумкин.

ҲАКАМ ЎЗИГА ҚИЗИЛ КАРТОЧКА КЎРСАТДИ...

Англия ҳаваскор футбол лигаларидан бири учрашувининг ҳаками қарорига рози бўлмаган жамоа дарвозабони кўзига мушт туширишдан сўнг қизил карточка кўрсатиб, ўзини майдондан ҳайдади. Жаҳон футбол тарихида энг ноёб ҳодиса бўлган ушбу воқеа "Питерсборо Норт Энд" ва "Роял Мэйл" ҳаваскор клублари ўртасидаги матчда юз берганди.

Ўйиннинг 63-дақиқасида "Роял Мэйл" футболчилари рақиб дарвозасига гол уриб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди. "Питерсборо" дарвозабони Ричард Макгаффин, дарвозага тўп ўйин қондасини бузиб киритилди деб ҳисоблаб, бу ҳақда ҳакамга эътироз билдирди. Вазифаси ўйини бошқаришдан иборат бўлган ҳакам Энди Уэйн тўздан ҳуштак майдонга отиб юбориб, оғзига келган ҳақорат сўзларини аямай, дарвозабон билан жанжаллашиб кетди. Орада ҳуши жойига

келиб қолди шеклилли, мижозода ўзини айбдор ҳисоблаб, ўзига қизил карточка кўрсатди ва ўйинни тугатиб деб эълон қилиб, майдонни тарк этди.

"Мен дарвозабоннинг "сен ҳеч қачон ўзгармайсан, ҳакам. Бизларнинг фойдамизга ҳеч қачон ҳуштак чалмайсан", деган гапини эшитиб қолдим. Бу – сабр қосамни тўлдирган сўнги газаб томчиси эди, лекин, Худога шукр, ноҳақлигимни англадим, - дея ҳикоя қилади 39 яшар ҳакам. - Менинг ҳаракатларим касбим одобига мутлақо зид эди. Мабодо, футболчи шундай қилганида, мен уни майдондан ҳайдаган бўлардим. Бу ишни мен ўзим қилганим учун ўзим ҳам майдонни тарк этишим керак эди".

Ҳакам ўзининг юқоридаги хатти-ҳаракатларини оиласи ва ўз бошига тушган қатор кулфатлар билан боғлайди.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

-Энди ҳеч қачон унинг оёқлари товушини ва кеч роппа-роса соат еттида эшик кўнғирогини жиринглатишни ҳаяжон билан кутмайман.

- Вой, нима бўлди ўзи? - Бундан кейин ҳеч қачон унинг учун меҳмонхонани нимқоронғу қилиб қўймайман.

- Нималар деяпсан? -Энди у кечқурунлари ёнгинамда ўтириб олиб, ширин гапларни қулгоимга шивирламайди. Ёзган ҳамма хатларини ҳам ёқиб юбораман.

- Ундан бутунлай ажрашмоқчимисан?

- Йўғе, унга турмушга чиқяпман... ***

Тепакал киши дорихонага кириб, фармацевтдан сўради:

- Сизда соч ўстирадиган дори топиладими?

- Мана шу шишадаги доирини олинг, у жуда яхши таъсир қилади.

- Ишончингиз қомилми?

- Бўлмасам-чи, ҳов анави кассирлик қилаётган мўйловни кўряпсизми?

- Ҳа.

- У менинг хотиним. Шу шивачани тишлари билан оч-

моқчи бўлганди, мўйлов ўсиб чикди.

Икки ишчи дўст ойлик олиб, уйларига қайтишарди. Йўлларидан дўкон учради. Ичкилари келарди-ю, бироқ ўз пуллари ни ишлатиб қўйишса, уйда жанжал бўлади. Ниҳоят, улардан бири иложини топди:

- Биласанми, сен менга тўлайсан, мен эса – сенга. Бировнинг пулига ичишни ман қилишмаган-ку...

Судда гувоҳдан сўрашди:

- Ёшингиз нечада?

- Ҳисоблаб чиқшим керак,

- деди гувоҳ аёл.-Эрга теканимда 20 ёшда эдим, эрим эса 40 ёшда эди. Яъни мен ундан икки марта ёшроқман.

Ҳозир у 70 ёшда, демак, мен 35 даман...

- Кечирасиз, доктор қабулхонасидан кўнғирок қиялпам.

- Мистер Смитсиз?

- Ҳа, нима эди?

- Уэр, безовта қилдик. Кеча юборган чекимиз пули тўланмай қайтиб келди...

- Э, гап бу ёқда денг. Ундай бўлса, докторга айтиб қўйинг. У киши ваъда қилган радикулит ҳам тузалмай,

ўзимга қайтиб келди!

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Осиё рамзи» модельерлар ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Болажонлар-ширинтойлар – 2010» болалар либослари фестивали бўлиб ўтди. Унда элликка яқин дизайнер ва модельер янги тўпламларини намойиш этди.



Ижтимоий лойиҳалар

БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Ўртамада тўқимачилик ва энгил саноати изчил равишда топтириш жараёнида болалар учун маҳаллий хомашё асосида кулай ва энгил, миллий ва жаҳон модасининг энг яхши анъаналарини уйғунлаштирган кийим-кечаклар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг йирик маданий-маърифий лойиҳаси бўлган «Болажонлар-ширинтойлар» фестивалида ҳам маҳаллий хомашё, миллий матолар асосида ўйил-қизларнинг ёши, дунёқараши,

руҳиятига мос либосларни яратиш, бу йўналишда изланаётган дизайнер ва модельерлар, расомлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ижодини халқимиз ва кенг жамоани атчиликка яқиндан таништиришга асосий эътибор қаратилди. Фестиваль соҳада янги номларни кашф этиш, болалар либосларини яратувчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, болалар модасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестивалда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти талаба-

лари билан бирга «Калибри» арт бюроси, «Paradise», «Baby Style» мода мактаблари, «Эски шаҳар» болалар ижодиёти маркази каби масканларда яратилган болалар кийимлари тўпламлари намойиш этилди.

Баркамол авлод йилида ўтказилган ушбу фестивалда болалар учун спортнинг қўллаб турлари бўйича яратилган кийимлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

— Фестивалда биринчи марта қатнашган, — дейди Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти талабаси Мухлиса Тиллаева. — Унга «Бойчечак» номли тур-

кум либосларни тайёрладим. Ушбу маърифий тадбирда болалар модасига оид зарур маълумотлар, янгиликларни олдим, соҳада эришилган ютуқлар билан танишдим, муҳир дизайнерлар маслаҳатидан баҳраманд бўлдим.

Икки кун давом этган фестивалда модельер ва дизайнерлар ижодига бағишланган кўрик, янги кийимлар намойиши, модель ва эскизлар танлови, болалар либосларини лойиҳалаштириш ва яратишнинг ўзига хослиқларига бағишланган илмий-амалий анжуман, миллий кўйир-чоқлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Фестиваль якунига кўра ёш дизайнерлар – Малика Сайфуллаева «Битирув оқшоми», Ольга Яковлева «Тошкент кўчалари», Моҳиру Юсупова «Кўркем либослар», Алишер Ғиёсов «Спорт услуби», Зарина Қодирова «Бўлажак она», Юлдуз Худойбердиева «Миллий матолардан фойдаланиш», Нодира Рихиева «Миллий услуб», Азиза Исомова «Ёш дизайнер», Мастура Бақодирова «Ёш хордик», Диёра Каримова «Спорт либослари» каби йўналишларда голиб деб топилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Шифобахш неъматлар ҚУЛУПНАЙ

Раъногулдошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. Сохта резавор ҳисобланувчи меваси май-июнь ойларида пишади.

Ҳар донаси 3-5 граммдан 60-80 граммгача тош босади. Таркибида 5,5-9,2 фоиз қанд, 1,2-1,7 фоиз органик кислоталар, темир, фосфор ва кальций сингари макро- ва микроэлементлар бор. Ундаги хин кислотаси фойдали ҳисобланади.

Халқ табибатида қулупнайдан камқонлик, парихонхотирлик, хафакон, никриз, сарик, рахит, бавосил хасталикларини даволашда, қовуқ, буйрак ҳамда ўт пуфакдаги тош ва кумлардан халос бўлишда фойдаланилади. Баргларида тайёрланган қайнатма «сассиқ кекирдак» касаллигини даволашда қўл келади. Бунинг учун қулупнайнинг бир ош қошиқ миқдоридоги қуритилган барги 200 грамм сувга солиниб, йигирма дақиқача қайнатилди. Қайнатма доқдада сузиб олиниб, совутилгач, у билан оғиз фарғара қилиб турилади.

Қулупнай кучсизроқ бўлса-да, пешоб ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Мевалари сут ва шакар билан аралаштириб берилса, болалар организмни мустаҳкамлайди. Қулупнайдан кўпроқ еб, устидан пиёз ва селёдка тановул қилинса, солитёр номли гижжани туширади. Меваларини эзиб, териға суртилса, экземага даво бўлади.

КАШНИЧ Соябонгулдошлар оиласига кирувчи, кенг қўламда ўстириладиган ўсимликлар сирасидан.

Марказий ва Жанубий Европада, Америка ва Африка қитъаларида, Шимолий Кавказ, Украина, Волгабўйи худудларида, шунингдек республикамизда ҳам кўп етиштирилади. Аксарият хонадон-ҳовлиларда махсус ўстирилиб, ошқўк, зиравор ва овқат таъминини яхшилашчи гиёҳ сифатида ишлатилади. Унинг таркибида асосан алдегидлардан, линалоол, терпенлар, гераниол, борнеол моддаларидан ташкил топган 0,2-1,4 фоиз эфир мойи, 17 фоиз оксил, 28 фоизгача ёғ, муайян миқдорда алкалоидлар, органик кислоталар мавжуд.

Абу Али ибн Сино кашнични бош айланниши касаллиғига даво ва ел ҳайдовчи восита сифатида ишлатган. Унинг меваси ва баргизуб шарбати аралашмасини қон қусиш ва қон тутуришда тавсия этган.

Халқ табибатида кашнич меваси талқон ва дамлама ҳолида гипертония, атеросклероз хасталикларини даволашда, йўтални қолдиришда, гижжани ҳайдашда кенг қўлланилади. Илмий табибётда ундан тайёрланган доривор препаратлар иштаха очувчи, ўт ҳайдовчи, бавосил ва яраларга шифо бағишловчи, оғиздаги ёқимсиз хидни кетказувчи восита сифатида қўлланилади. Кашнич меваси бавосил ва қабзиятни даволайдиган йиғмалар таркибига киритилади.

Бу бебаҳо неъматнинг ўсиш даври 80-120 кундан иборат бўлади. У ёзнинг иккинчи ярмида — илк мевалари кўнғир тусга кира бошлаганда ўриб олиниб, соябонлари юқорига қаратилган ҳолда тўглаб қўйилса, пишиши тезлашади. Пишиб қуритилган ҳолда тўглаб қўйилса, мевалари ажратиб олинади. Ундан уй шароитида дамлама тайёрлаш учун бир чой қошиқ миқдоридоги майдаланган меваси устига икки оз грамм қайноқ сув қўйилиб, дамлаб қўйилади. У бир кеча-кундузга етади.

Кашнич баргининг талқони мол ёшга обдон аралаштирилса, қаварган ва шилтан териға суртилганидан қилқамга айланади. Олти грамм миқдордаги меваси ва саккиз грамм шакардан ҳозирланган талқони бош оғриғини қолдиришга хизмат қилади. Бунинг учун ундан ҳар кун эрталаб икки граммдан ичиб туриш лозим.

Кашнич меваларидан олинган эфир мойлари антисептик модда, оғрик қолдирувчи, ўт ҳайдовчи омил вазифасини ўтайди. Фармацевтикада дорилар таъминини яхшилаш мақсадида қўлланилади.

ТУТ

Нихоятда кўркем, серсоя дарахт. Бўйи 25 метргача боради, 200-300 йилгача яшайди. Барги пиллачилик ривожига хизмат қилса, ёғочни дурадгорлик ва бинокорликда ноёб ашё сифатида асқотади.

Тут май ойида гуллаб, шу ой адоғи ва июнда пишади. Меваси сершира, майда данакли. Балх тути ва оқ тут мевалари таркибида 25 фоиз қанд, 1,5 фоиз азотли моддалар, 2,17 фоиз органик кислоталар, С дармондориси, ошловчи моддалар, шунингдек калий, натрий, кальций ва магний каби макро- ва микроэлементлар бўлади. Шунга мувофиқ, ундан шифобахш шинни, қоқи ва сирка тайёрланади, қулча ва сомсалар пиширилади.

Тутнинг пўстлоғи ва барглари ҳам талайгина шифобахш моддаларга бой. Шарқ халқлари қадим-қадимдан бу дарахтни қадрлаб келади. Абу Али ибн Сино унинг меваси ва шираси ёрдамида оғиз ва томоқ яллиғланишларини, оғиз бўшлиғи шилларини, дизентерияни даволаган. Балх тутининг сархил барги ширасидан танглай муртақлари яллиғланишини йўқотиш ҳамда тиш оғриғини қолдиришда фойдаланган.

Халқ табибатида балх тути иситмини туширувчи, танага дармон бағишловчи, қонни қўлайтирувчи, пешоб ҳайдовчи, ичаклар фаолиятини мустаҳкамловчи, безағни даволовчи неъмат сифатида ишлатилади. Пўстлоғи қуқунга кўнжук мойи қўшиб тайёрланган суртма жароҳатларни битказиш мақсадида қўлланилади.

Тут меваларининг шифобахшлик хусусиятларидан илмий табибётда ҳам кенг фойдаланилади. Камқонлик дардида йўлқан беморларга тут мевасини истеъмол қилиш тавсия этилади. Фармацевтикада тутнинг қуқуқлаштирилган шарбати ҳабдориларни шаклга келтиришда қўл келади.

«Меҳрли Савдо» шўъба корхонаси деҳқон ва фермер хўжалиқларидан пул ўтказиш йўли орқали қишлоқ хўжалиғи ҳамда дуккакли маҳсулотларни харид қилади (картошка, пиёз, сабзи, қарам, лавлаги, мош, нўхот, ловия ва бошқа маҳсулотлар).

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:

Тел.: +(998 71) 237-45-15, 237-14-94
Факс: +(998 71) 237-14-92.

Спорт янгиликлари

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ҳамюртларимиз Мурод Иноятов, Неъмат Шофайзиев ва Сабина Шарипова Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимиға киритилган нуфузли турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Ўтган ҳафта Хиндистоннинг Калькутта шаҳрида «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирда голиб чиққан М.Иноятов Деҳлида бошланган аркалар ўртасидаги мусобақада ҳам бош совринга даъвогарлик қилмоқда. Жуфтлик беллашувларида мезбонлар вакили Рохан Гажжар билан ҳамкорликда уйнаётган теннисчимиз дастлабки босқичда хиндистонлик Ронит Сингх Вишт ва Сайкартик Нахиреддини 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Мурод яқалликлар ўртасидаги биринчи учрашувини Вигнеш Чандрасекарға (Хиндистон) қарши ўтказди.

Истанбул шаҳрида ташкил этилган ўсимрлар ўртасидаги халқаро турнирға иккинчи даврандан қўшилган Н.Шофайзиев туркиялик Эфе Юртачандан 7:6, 6:1 ҳисобида устун келди ва кейинги босқичда франциялик Энцо Пай билан рақобатлашадиган бўлди.

Индонезияда хотин-қизлар ўртасида бошланган «Tanjung Selor» халқаро турнирининг жуфтлик беллашувларида қатнашадиган Сабина Шарипова япониялик Каназа Хишамии билан ҳамкорликда Хитой вакиллари Чун Ян Хэ ва Чанг Ли дуэтини 5:7, 6:4, 10:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Сабина яқалликлар баҳсининг биринчи учрашувини хитойлик Ван Тинг Люга қарши кортга чиқди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Осиё чемпионолар лигаси турнирининг Саудия Арабистонида ўтказилган нимчорак финал баҳси натижаларига кўра «Бунёдкор» мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» ва «Насаф» сингари Осиё чемпионолар лигаси турнири кейинги босқичига чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚОЛМАДИ

Авалло шунга айтиш жоизки, жорий йилдаги Осиё чемпионолар лигаси турнирида Сколари бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси анча бўш ўйин кўрсатаётган эди. Буни «Бунёдкор»нинг гуруҳда аранг иккинчи ўринни эгаллаганиги ҳам исботлаб турибди. Энди бевосита учрашув тафсилотига тўхталадиган бўлсак, 90 дақиқа давомидо араблар устунлик қилишди. Тошкентликлар эса фақат ҳимояланишди. Дарвозага голлар Ал-Маршадий, Вильгельмсон ва Невис томонидан 9, 57, 61-дақиқаларда киритилди ва баҳс 3:0 ҳисобида «Ал-Хулло» ғалабаси билан яқунланди.

Ният қиламизки, жамоаларимиз келгуси йилда Осиё чемпионолар лигаси турнирида муваффақиятли иштирок этади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

2010 йил 17 июнь кунин соат 10.00 да ўтказиладиган очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортда шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсия қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақалариға эға бўлиши шарт), юридик шахс мақомиға эға бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерға қуйидаги йўналишлар қўйилади:

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат тарзиби тури
1	26 М	«Дўстлик 2 мавзеси АШБ — Пахтакор метро АШБ»	Микроавтобус
2	68М	«Хасанбой даҳаси — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
3	75М	«Маҳкам ота» чойхонаси — Қўйлик М1 мавзеси АШБ»	Микроавтобус
4	97М	«Авиасозлар мавзеси АШБ — Юнусобод 10 даҳаси АШБ»	Микроавтобус
5	115А	«ТошГРЭС мавзеси — Маннон Уйғур кўчаси АШБ»	Автобус
6	139М	«М.Юсуф кўчаси АШБ — Сувоз мавзеси бекати»	Микроавтобус
7	142М	«Чорсу савдо маркази АШБ — Шифокорлар шаҳарчаси АШБ»	Микроавтобус
8	161М	«Аэропорт АШБ — «Экспавтор завод» АЖ бекати»	Микроавтобус
9	167М	«Юнусобод 12 даҳаси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
10	168М	«А.Юғнакий мавзеси — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
11	173М	«Тақачи» маҳалласи — Пахтакор метро бекати АШБ»	Микроавтобус
12	12А	«Қўйлик М2 мавзеси АШБ — Бошлиқ мавзеси»	Автобус
12	15А	«Қўйлик-1 мавзеси АШБ — Чкалов метро бекати АШБ»	Автобус
22А	«Чкалов метро бекати АШБ — Тошкент МУМ- АШБ»	Автобус	
26А	«Янгиобод мавзеси АШБ — 17-шаҳар касалхонаси»	Автобус	
37А	«Қўйлик-6 мавзеси АШБ — Маннон Уйғур кўчаси АШБ»	Автобус	
55А	«Қўйлик-7 мавзеси («Обод» маҳалла) — ТАЙИ бекати»	Автобус	
61А	«Янгиобод мавзеси АШБ — Аэропорт АШБ»	Автобус	
81А	«Қўйлик-1 мавзеси АШБ-Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус	
93А	«Қўйлик-1 мавзеси АШБ — Юнусобод 9 даҳаси АШБ»	Автобус	
1А	«А.Юғнакий мавзеси АШБ — Тошкент МУМ- АШБ»	Автобус	
6А	«Машинасозлар мавзеси АШБ — Тузель даҳаси»	Автобус	
16А	«ТТЗ» АЖ АШБ — Тошкент вокзали АШБ»	Автобус	
17А	«А.Юғнакий мавзеси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус	
54А	«Қўйлик М1 мавзеси АШБ — Чкалов метро бекати АШБ»	Автобус	
60А	«Юнусобод 17 даҳаси — Тошкент Шимолий вокзали АШБ»	Автобус	
63А	«Корасув-1 мавзеси АШБ — Юнусобод 12 даҳаси АШБ»	Автобус	
68А	«Қўйлик М2 мавзеси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Автобус	
72А	«Авиасозлар мавзеси АШБ — Юнусобод 12 даҳаси АШБ»	Автобус	
148А	«Авиасозлар мавзеси АШБ — Жомий майдони бекати»	Автобус	
199А	«Қўйлик М2 мавзеси АШБ — 4 шаҳар қабристон бекати»	Автобус	
9А	«Чорсу савдо маркази АШБ — «Сабзавот» участкаси бекати»	Автобус	
10А	«Тошкент тиббиёт академияси — 2 АШБ» — «Чкалов метро бекати АШБ»	Автобус	
28А	«Ибн Сино-2» мавзеси АШБ — Автобус	Автобус	

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиғи Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисобланади.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугаланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУ 51600)га 1178 минг 900 сўм ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3886 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер маҳказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.